

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОМОНОВ БАҲОДИР НУРИЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

УДК 1:316 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Омонов Баходир Нуриллаевич Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик сиёсати	3
Омонов Баходир Нуриллаевич Социально-экологическая политика Узбекистана в Приаралье.....	15
Omonov Bahodir Nurillayevich Social-ecological policy of Uzbekistan in around Aral zone	28
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	32

Автореферат Самарқанд давлат университетининг “СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси” журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди (16.03.2018).

Гувоҳнома № 10-3512

16.03.2018 йилда босишга рухсат этилди
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84¹/₁₆.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,5.
Адади 100 нусха. Буюртма №16/03.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

28. Омонов Б.Н. Экологик сиёсатнинг жамият тараққиётидаги роли // The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect. Materials of the international scientific conference. – Pregue. 2014. – P. 104-106.

29. Омонов Б.Н. Оролбўйи минтақасини барқарорлаштиришда давлат экологик сиёсатининг устуворлиги // “Муҳандислик коммуникация тизимларини лойихалаш, қуриш ва модернизациялашнинг замонавий масалалари” мавзуидаги Халқаро илмий-техник конференция материаллари. – Самарқанд, 2014. – Б. 276-279.

30. Омонов Б.Н. The use of water resources in the center of environmental policy in the region // The Fifth International Conference on History and Political Sciences. – Austria: Vienna, 2015. – P. 53-58.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОМОНОВ БАҲОДИР НУРИЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal116. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамашокиров Саидмурод**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хажиева Мақсуда Султановна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳошимова Ихтибар
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
фалс.ф.д., профессор

О.М.Ғайбуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
фалс.ф.д., доц.

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, фалс.ф.д., профессор

15. Омонов Б.Н. Соғлом экологик муҳит – баркамол авлод истиқболи // “Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий тарбиянинг мақсади” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 336-338.

16. Омонов Б.Н. Миллий ва умуминсоний экологик сиёсат моделларининг стратегик мақсадлари // Қарши ДУ Ахборотномаси. – Қарши, 2010. №1. – Б. 90-92.

17. Омонов Б.Н. Халқаро экологик сиёсат субъектларининг ривожланиш эволюцияси ва шаклланган ташкилий структураси // Қарши ДУ Ахборотномаси. – Қарши, 2010. №1. – Б. 92-94.

18. Омонов Б.Н. Миллий геосиёсат стратегияси ва унинг халқаро экологик муносабатлар глобаллашувига таъсири // “Фалсафа, фан таълим” мавзуидаги Республика илмий конференцияси материаллари. II. – Тошкент, 2010. – Б. 38-140.

19. Омонов Б.Н. Экологик тарбия: муоммолар ва ечимлар // “Насаф ва Кеш тарихи манбаларда” мавзуидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Қарши, 2010. – Б. 234.

20. Омонов Б.Н. Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорликнинг роли // “Замонавий география ва унинг ривожланиш истиқболлари” мавзуидаги иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 37-39.

21. Омонов Б.Н. Халқаро экологик сиёсатнинг интеграциялашуви ва Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари // “География тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 321-324.

22. Омонов Б.Н. Ўзбекистоннинг минтақавий экологик сиёсатида халқаро муносабатларнинг ўрни // “Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-маънавий ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 196-200.

23. Омонов Б.Н. “Сиёсий экология” фанининг мақсад ва вазифалари // “Ўзбекистонда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2012. – Б. 163-164.

24. Омонов Б.Н. Орол денгизининг ҳалокати генезиси // ҚарДУ хабарлари – Қарши, 2012. – №1. – Б. 112-114.

25. Омонов Б.Н. Ўзбекистон сиёсий экологик тизимининг асосий хусусиятлари // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2012 йил. – №3. – Б. 35-40.

26. Омонов Б.Н. Тарихий тараққиёт жараёнида жамоатчилик фикрининг интеграциялашуви // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзуидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2013. – Б. 244-246.

27. Омонов Б.Н. Оролбўйи минтақасидаги давлат экологик сиёсати моделини глобал тизимга мослаштиришнинг ўзига хослиги // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2013. – №2. – Б. 103-106.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLICATIONS

1. Омонов Б.Н. Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати. Монография. – Тошкент: Фан, 2014. 184 б. 13,95 б. т.
2. Омонов Б.Н. Экологик сиёсатнинг асосий тамойиллари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 40-41. (09.00.00 – №3)
3. Омонов Б.Н. Миллий экологик сиёсат: ташкилий-бошқарув тизимини такомиллаштириш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – Махсус сон. – Б. 198-200. (09.00.00 – №3)
4. Омонов Б.Н. Ноқулай минтақаларда экологик сиёсат // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2011. – №2. – Б.104-105. (09.00.00 – №9)
5. Омонов Б.Н. Халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг интеграциялашиши ва глобаллашиши хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари – Тошкент, 2011. – №4. – Б. 106-109. (09.00.00 – №15)
6. Омонов Б.Н. Экологик сиёсат диалектикаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2013. – №2. – Б. 91-94. (09.00.00 – №15)
7. Омонов Б. Н Геоэкологическая политика Узбекистана в регионе Приаралья // Credo new. Теорический журнал. Санкт-Петербург. 2013. – №3 (75) том I. С. 261-267.
8. Омонов Б.Н. Оролбўйи минтақаси экологиясининг аҳамияти // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2015. – №1. – Б. 121-123. (09.00.00 – №15)
9. Омонов Б.Н. Орол денгизи қуриши сабаблари ва оқибатлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2015. – №4. – Б. 115-118. (09.00.00 – №14)
10. Очилова Г.А., Омонов Б.Н. Юксак маънавиятни шакллантиришда тарбиянинг ўрни // Ислон университети илмий-таҳлилий Ахборот. – Тошкент, 2015. – №1. – Б. 10-12. (09.00.00 – №13)
11. Омонов Б.Н. Экологик сиёсатнинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли // Ислон университети илмий-таҳлилий Ахборот. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 55-59. (09.00.00 – №13)
12. Омонов Б.Н. Is Aral sea or lake? (Some thoughts about the reasons that turned the Aral sea into the lake, more precisely into the desert “Aralkum”) // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science 30.03.2016 Philadelphia, USA. – P. 63-67.
13. Очилова Г.А., Омонов Б.Н. Ижтимоий экологиянинг долзарб муаммолари ва уларни барқарорлаштириш омиллари // Ислон университети илмий таҳлилий Ахборот. – Тошкент, 2016. – №2. – Б. 62-65. (09.00.00 – №13)

II бўлим (II часть; II part)

14. Омонов Б.Н. Ўзбекистон геоэкологик сиёсатининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари // “Шахс ва жамият фанини ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 191-93.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги ижтимоий тараққиёт учун глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳаётий заруриятдир. Чунки табиий атроф-муҳит муҳофазаси инсониятнинг келажагини таъминловчи ижтимоий омилга айланган. Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятнинг тобора кескинлашиб, умумсайёравий экологик муаммога айланиб бораётганлиги, ижтимоий ривожланиш жараёнига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлиги ва мазкур вазиятни назорат қилиш ҳамда бошқаришнинг инсоният келажаги учун муҳим аҳамиятга эгаллиги мазкур муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда глобал экологик муаммоларнинг олдини олишда ижтимоий-экологик сиёсатни рационал усулда ташкиллаштириш ва бошқариш тизими яратилмоқда. Оролбўйи худуди экологик ҳалокати, Ер шари кутбларидаги музларнинг жадал эриб бораётганлиги, ичимлик суви танқислиги каби минтақавий муаммоларнинг глобал даражага кўтарилиши, уларни ечишда халқаро интеграциянинг кучайиб боришини фалсафий қонунлар контекстида комплекс-системали таҳлил қилиш ҳам экологик инқирозларни юмшатишнинг назарий-методологик масалаларини ижобий ҳал қилишга ёрдам беради. Минтақанинг ижтимоий-экологик сиёсатини оптимал ташкиллаштириш, рационал бошқариш ва конструктив назорат қилишга бағишланган тадқиқотлар глобал экологик муаммоларни ҳал этишда методологик йўлланмадир.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди, ўз сиёсатининг стратегик йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини ҳар тарафлама такомиллаштирди. Бугунги кунда Оролбўйи минтақасида халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган. Шу сабабли “атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш”¹ Ўзбекистонда муҳим стратегик вазифага айланди. Бу эса экологик сиёсатни конструктив-рационал ташкиллаштириш, институционал тизимини такомиллаштириш усуллари, воситалари, йўлларини илмий-назарий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда. Мазкур жараён ижтимоий фалсафанинг ҳам долзарб муаммоси ҳисобланиб, бу эса муаммонинг миллий, минтақавий, глобал даражаларда ўзаро боғлиқлигини комплекс илмий таҳлил қилишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29-августдаги 255-сон «2015-2018 йилларда Оролбўйи худудининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш» Комплекс дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2017 йил, 29 июндаги ПФ-5264-сон «Асосий фаолият йўналишлари» б), г), д) бандларида кўрсатилган ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/. – Тошкент: Адолат, 2018. Б.27.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий муносабатларни эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнида экологик сиёсатнинг фундаментал назарий асослари, методологик тамойиллари ва амалиётининг гуманистик моҳияти И.А.Каримов асарларида, уларни ҳаётга самарали ва изчил татбиқ этиш, муаммоларга танқидий-таҳлилий ёндашувга доир мулоҳазалар эса Президент Ш.Мирзиёев асарларида атрофлича ёритилган¹.

Экологик сиёсатни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишни ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг муаммоси бўлиб қолмоқда. Шунинг учун мавзуга доир илмий манбаларни таҳлил қилишда экологик сиёсатнинг: а) ҳуқуқий-қонуний асослари ҳақидаги тадқиқот натижалари; б) ташкилий-институционал тизимига оид адабиётлар; в) иқтисодий омиллар таҳлиliga доир манбалар; г) инсон омилининг роли кўрсатилган адабиётлар; д) халқаро экологик сиёсий муносабатлар ёритилган манбаларни туркумлаштириб, қиёсий таҳлил қилишни кўзда тутмоқдамиз.

Давлат минтақавий экологик сиёсатини ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш йўналишлари ва хусусиятларининг қонуний-ҳуқуқий асослари Х.Азамов, Ш.Р.Бабаев, Қ.Бабаназаров, М.У.Ғуломов, О.Ю.Жўраев, Б.Х.Калонов, Ш.Р.Қобилов, М.Мамаюсупов, Т.Р.Мирзаев, М.Нажимов, Р.Рўзиев, Ў.Хамраев, Ж.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев, Н.Б.Шоимовларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Барқарор экологик тараққиёт ва хавфсизликнинг миллий, ҳудудий ва глобал муаммолари А.Абдусамедов, Ф.Абилов, Ҳ.Аҳмедов, М.Баходиров, А.Зикиряев, О.Қосимов, А.И.Костин, А.Кўлдошев, Ғ.Пардаев, М.Маманазаров, С.Мамашокиров, О.Маннопова, С.Сангинов, А.С.Семченков, Э.Усмонов, У.Хўжаназаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида баён этилган.

Экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ўзбекистонлик олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Бундай тадқиқотлардан Г.Абдуллаева, Б.Алихонов, Н.Икрамова, Т.Тиллаев, Ғ.Толибов, Д.Саъдуллаев ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммоларнинг ижтимоий масалалари ҳақида Ю.Ш.Шодиметов, Ҳ.Ю.Саломова, А.Ниғматов, Р.И.Маматкулов, М.Олтибоев ва бошқа олимлар ўз илмий қарашларини баён қилганлар.

Ҳозирги кунда Орол муаммосининг глобаллашиб кетишига доир А.Бердимуротова, С.Камалов, С.Давлетов, З.Ақромов, А.Рафиқов ва бошқаларнинг самарали илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

The author carried out an empirical analysis of the dynamics of the provision of the population of the Aral region with hospitals, Polyclinics, and rural medical centers. The research materials were used by the Kashkadarya regional territorial branch of the Ecological Movement of Uzbekistan in drawing up and implementing such priority areas of the work plan for 2015-2016 as: "Comprehensive increase in the activity of public participation in the protection of the environment and improvement of the environmental situation", "Enhancement of the environmental culture of the population, development of the system of ecological education and upbringing", "Development of international cooperation in the field of environmental protection", "Coordination of activities of non-governmental non-profit organizations in the field of environmental protection" (Act of the Ecological Movement of Uzbekistan, 16.09.2017).

Structure and volume of the dissertation. This dissertation consists of an introduction, three chapters, each of which has two paragraphs, conclusions, a list of references and an appendix. The total amount is 196 pages.

¹ Асарлар номи диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида кўрсатилган.

INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)

The aim of the research work is to disclose the socio-philosophical essence of the state's environmental policy in the Aral Sea area.

The object of the research work is the institutional system of the national environmental policy of Uzbekistan and its place in the global socio-environmental policy.

The subject of the research work – is the philosophical content, democratic and humanistic essence of Uzbekistan's social and environmental policy in the Aral Sea region.

The scientific novelty of the research work is as follows:

The peculiarities reflecting the originality of the social ecological situation in the region, the causal relationship of objective prerequisites and subjective factors, the unity of the particular and general in these processes, as well as their relative independence ensuring the effectiveness of Uzbekistan's environmental policy in the Aral Sea area;

practical recommendations on the development of activities of organizations responsible for the socio-economic and environmental situation in the region (through monitoring through qualitative and quantitative indicators);

philosophical conclusions have been developed that reveal the stages of integration and globalization of the state's social and environmental policy in the region, the irreversibility of development, the transformation of quantity into qualities, the tendency of continuity in the negation of negation;

developed practical proposals and recommendations on structural and functional improvement, functional harmonization and improving the effectiveness of the institutions of environmental policy management of states in the given territory to address the social and environmental problems of the region, to modernize the management of the formation of a stable environmental policy, on an innovative and non-linear approach to the problem.

Implementation of the research results. The scientific and theoretical conclusions, methodological recommendations and practical suggestions of the thesis were used: in the development of the "Comprehensive program of measures to mitigate the consequences of the Aral catastrophe, the restoration and socio-economic development of the Aral Sea region for 2015-2018", adopted by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan of September 29, 2015 of the year, in the preparation of "Measures to create favorable conditions for the reproduction and preservation of the gene pool and the health of the population living in environmental risk zones" (section II Appendix No. 1), "Measures for the restoration of the ecosystem and biodiversity, conservation and protection of flora and fauna" (section IV), as well as in the preparation of the "Program of measures to create conditions for the reproduction and preservation of the gene pool and the health care of the population living in environmental risk zones" (Appendix No. 3); in the modernization of production and forecasting the prospects for socio-economic development of the Republic of Karakalpakstan. (Act of The State Committee for Ecology and Environmental Protection, 29.08.2017).

Давлат экологик сиёсатининг иқтисодий механизмлари С.Самайилов, Ш.Каримов, С.К.Махмудов, А.Т.Умаров, А.Абдуллаевларнинг номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш учун ёзилган диссертация ишларида акс эттирилган. Республикамизда давлат экологик сиёсатининг айрим ижтимоий-фалсафий жихатларини ўрганишда Э.С.Хошимова, С.Мамашокиров, Э.М.Усмонов, Д.Расулов, Т.Қўйлиев, А.К.Бердимуратова, С.Сангинов, Ш.Л.Махмудова, В.О.Левинская, У.Саидова, А.А.Ахмедов каби олимларнинг докторлик ва номзодлик диссертациялари натижалари диққатга сазовордир.

Экологик назорат фаолиятининг менежмент ва маркетинг соҳалари, асосан, хорижлик мутахассислар томонидан етарлича ишлаб чиқилган. Бу борада П.Доел, Е.Г.Молль, М.Валетта, М.П.Раджонъери, Ольдак, Е.В.Бабина, С.Н.Соломина каби олимларнинг асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин¹.

Экологик минтақавий сиёсат тизимининг функционал тузилиши ва интеграциялашиш хусусиятлари Э.М.Усмоновнинг “Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии”² мавзусидаги монографиясида ёритилган бўлиб, унда, асосан, экологик-сиёсий фаолиятнинг худудий, регионал масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Аммо бу асарда Ўзбекистон давлатининг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати мазмуни, намоён бўлиш шакллари, йўналишлари ёритилмаган. Шунингдек, бу монографияда экологик сиёсат институтлари ҳақида фикр юритилса-да, уларнинг функциялари ўртасидаги боғланишлар эътибордан четда қолган.

Умуман, юқорида номлари қайд этилган тадқиқотчилар ўз ишларида давлат минтақавий экологик сиёсат институтларининг фаолиятларини махсус структуравий-функционал таҳлил объекти сифатида текширишни ўз олдларига мақсад қилиб қўймаганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон миллий университетининг “Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасига киради.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда давлат экологик сиёсатининг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат ижтимоий-экологик сиёсати институционал тизими структурасини ташкил қилган таркибий элементларнинг хусусиятлари ва ўзаро функционал алоқаларини таҳлил қилиш;

минтақа экологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-экологик сиёсатнинг объектив асослари, субъектив омилларини ва самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш;

¹ Бу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида кўрсатилган.

² Усманов Э.М. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии. –Т.: Фан, 2006.

ижтимоий-экологик сиёсатни ҳаракатлантирувчи мотивлар ва механизмларни, уларнинг асосий функцияларини, жамият ҳаётида тутган мавқеи ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

миллий экологик ҳавфсизликни таъминлашда давлат ижтимоий-экологик сиёсатининг халқаро миқёсда интеграциялашиш ва глобаллашиш хусусиятларини аниқлаш;

ижтимоий-экологик сиёсат институтлари самарадорлигини оширишнинг конструктив усулларини, рационал воситаларини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ижтимоий-экологик сиёсатининг институционал тизими ва унинг халқаро экологик сиёсатдаги ўрни.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик сиёсатининг фалсафий мазмуни, демократик ва гуманистик моҳияти.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, таққослаш, корреляция ва умумлаштириш, моделлаштириш, абстрактлаштириш, қиёсий-типологик, факториал комплекс-системали таҳлил, социометрик, ночизикли ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Оролбўйида Ўзбекистоннинг экологик сиёсати самарадорлигини таъминлашда минтақанинг ўзига хос ижтимоий экологик вазияти, объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўзаро сабабий боғланганлиги, мазкур жараёнларда хусусийлик ва умумийликнинг бирлиги ҳамда нисбий мустақиллигини ифодаловчи хусусиятлари очиқ берилган;

минтақадаги ижтимоий-иқтисодий-экологик вазиятга масъул ташкилотлар фаолиятини (сифатий ва миқдорий кўрсаткичлар орқали мониторинг қилиш воситасида) ривожлантиришга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

минтақада давлат ижтимоий-экологик сиёсатининг интеграциялашиш ва глобаллашиш босқичларини, ривожланишнинг орқага қайтмаслик, миқдорнинг сифатга айланиши, инкорни-инкор қилишда ворислик тенденциялари мазмунини очувчи фалсафий хулосалар ишлаб чиқилган;

минтақанинг ижтимоий-экологик муаммолар ечимида мазкур ҳудуддаги давлатлар экологик сиёсатини бошқарув институтлари фаолиятини структуравий-функционал такомиллаштириш, функционал уйғунлаштириш ва самарадорлигини ошириш, минтақада барқарор экологик вазиятни шакллантиришга доир бошқарувни модернизациялаш, муаммога инновацион ва ночизикли ёндашув сингари амалий тақлиф-тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Оролбўйида давлат экологик сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган минтақанинг ўзига хос ижтимоий экологик вазиятининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ишлаб чиқилган.

Оролбўйида давлат ижтимоий-экологик сиёсатининг интеграциялашиш ва глобаллашиш босқичлари, ривожланиш тенденциялари (ичимлик суви билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза тизимини барқарорлаштириш) масалалари илмий-фалсафий нуқтаи назардан асосланган.

The theme of doctor of philosophy degree (PhD) of philosophical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3.PhD/Fall116.

The dissertation has been prepared at National University of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (Resume)) languages on the website ik-falsafa@nuu.uz and on the website of «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziyounet.uz).

Scientific consultant: **Mamashokirov Saidmurod**
Doctor of philosophical sciences, professor

Official opponents: **Xajiyeva Maqsuda Sultanovna**
Doctor of philosophical sciences professor

Hoshimova Ixtibar
Doctor of philosophical sciences, professor

Leading organisation: **Tashkent Medical Akademy**

The defense of the dissertation is held at ____ on «__» _____ 2018 at the meeting of the Scientific Council at the Scientific Council DSc.27.06.2017.F.02.02at Samarkand State University. (Address: 140104, 15 Universitet khiyoboni, Samarkand city. Telephone numbers: Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz. cabinet 105, grand floor, the department of History, Samarkand State University).

The doctoral dissertation can be taken from the Information Resource Centre of Samarkand State University (It is recorded under No____) Address: 140104, 15 Universitet khiyoboni, Samarkand city. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

The abstract of the dissertation is distributed on «__» _____ 2018.
Protocol at the register No _____ dated «__» _____ 2018.

B.O.Turaev
Chairman of the Doctoral Degree Awarding Scientific Council, Doctor of Philosophical Sciences, professor

O.M.Gaybullaev
Secretary of the Doctoral Degree Awarding Scientific Council,
Doctor of Sciences (Philosophical)

S.K.Karimov
Chairman of the Scientific Seminar at the Doctoral Degree Awarding Scientific Council, Doctor of Philosophical sciences

OMONOV BAHODIR NURILLAYEVICH

SOCIO-ECOLOGICAL POLICY OF UZBEKISTAN IN ARAL ZONE

09.00.04 – Social philosophy

DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON
PHILOSOPHICAL SCIENCES

Samarkand – 2018

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фалсафанинг ўзаро алоқадорлик, алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, тарихий-манتيқий изчиллик, ворисийлик, зиддият, мураса ва бошқа категориялари контекстида таҳлил қилингани, Оролбўйи худудида ижтимоий-экологик сиёсат институтлари структураси шаклланиши ва функциясига комплекс-системали, факториал таҳлил тамойилларига асосланиб ёндашилгани, ижтимоий-экологик институтлари ривожланишини детерминлаштирувчи омиллари диалектик, синергетик ва бошқа илмий таълимотлар асосида тадқиқ қилиниши, ишнинг назарий хулосалари, методологик тавсиялари, амалий таклифларини амалиётга жорий этилгани ҳақида ваколатли давлат ташкилотлари томонидан берилган далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Экологик сиёсат институционал тизими структурасини ташкил қилган элементларини функционал таҳлил қилиш ижтимоий, иқтисодий, экологик, сиёсий, маданий жараёнларини бошқариш назарияси билан боғлиқ фанларнинг категориялари апаратини, тушунчалари тизимини мазмунан бойитади.

Оролбўйи худудида давлат ижтимоий-экологик сиёсат институционал тизимини конструктив-рационал ташкил қилиш ва оптималлаштиришга оид назарий хулоса, методологик тавсиялар, таклифларидан экологик сиёсатга мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари амалий фаолиятларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-экологик сиёсати асосида:

Оролбўйи ижтимоий-экологик муаммолар ечимида худуд давлатлари экологик сиёсатини бошқарув институтлари фаолиятини структуравий-функционал такомиллаштириш, функционал уйғунлаштириш самарадорлигини оширишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 сентябрдаги қарори асосида 2015-2018 йилларда Оролбўйи худудининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокати оқибатларини юмшатиш Комплекс дастурини яратишда, “Экологик хавфли худудларда яшовчи аҳоли генофонди, соғлигини сақлаш ва тиклаш” қисмида (I-илова, III бўлими); “Худуднинг экотизими ва биохилма-хиллиги, ҳайвонот, ўсимлик дунёсини сақлаш ва ҳимоя қилишга доир тадбирлари”ни режалаштиришда (IV бўлими); экологик вазияти оғир худудларда яшовчи аҳоли генофондини, соғлигини сақлаш ва тиклаш тадбирлари режасини тузишда (дастурнинг 3-илласи); Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва истиқболни прогнозлаштиришда; Оролбўйи худудида аҳолини шифохоналар, АПМ, ҚВПлар билан таъминлаш дастурини тузишда фойдаланилган (ТМҚДҚ далолатномаси, 29.08.2017 й.) ва бу таклифлар минтақанинг ижтимоий-экологик вазиятига ижобий таъсир кўрсатди;

Оролбўйи минтақасида давлат экологик сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар ва баҳолаш мезонларига оид таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Қашқадарё вилоят худудий бўлинмасининг 2015-2017 йилларга мўлжалланган иш режасида: “Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш

ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш”, “Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш” каби устувор вазифаларни режалаштиришга асос бўлди (ЎзЭҲ далолатномаси, 16.09.2017 й.) ва мазкур режалар асосида Қашқадарё вилояти ҳудудидаги экологик муаммоларни ечишда самара бермоқда;

Ўзбекистоннинг Оролбўйидаги барқарор экологик вазиятни шакллантиришнинг конструктив ва оптимал ечимларидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази фаолиятининг Оролбўйи минтақасида гигиена, экология ва аҳоли саломатлигини доимий назорат қилиш рейтингини аниқлаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ДСЭНМ коммунал-гигиена бўлимлари иш фаолиятини такомиллаштиришга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш; экологик соғлом муҳит тарғибот-ташвиқотини ташкил этиш ҳақидаги таклиф ва тавсияларидан ДСЭНМнинг 2016-2017 йилга мўлжалланган иш режаси: I. “Санитария-гигиена чора-тадбирлари” бўлимининг 12; 20; 49; III. “Юқумли касалликларни олдини олиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар” бўлимининг 39; IV. “Тарғибот тадбирлари” бўлимининг 8-бандларини тайёрлашга асос сифатида хизмат қилди (ДСЭНМ далолатномаси 14.03.2017 й.) ва бу таклифлар соғлиқни сақлаш тизимида экологик омилни ҳисобга олиш жараёни самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иши чоп этилган, шулардан 1 та монография, илмий журналларда 16 та, шундан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация кириш, ҳар бири иккита параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг “**Экологик сиёсатнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида экологик сиёсий муносабатлар тарихини тадқиқ

определения приоритетных стратегических задач, активного привлечения международного сообщества для их успешного решения.

В-шестых, Комплексная программа реализации экологической политики государства Узбекистан и правительства Республики Каракалпакстан в регионе Аральского моря будет иметь общечеловеческий характер тем, что будет удовлетворять не только национальные потребности и обеспечивать региональные интересы, но будет служить стабильному прогрессу глобального экологического пространства.

В-седьмых, тенденция к глобализации социально-экологических проблем Приаралья в настоящее время актуализирует задачу формирования международной институциональной системы, способной оперативно управлять этим процессом и контролировать его, предоставления данному институту широких полномочий по координации экологических политических отношений государств региона в части выполнения международных нормативных актов, конвенций и взаимных соглашений.

Последовательная модернизация и демократизация государственной экологической политики в регионе Приаралья проявляет ее гуманистическую сущность.

Во-вторых, стратегия экологической политики Узбекистана привлекает внимание мирового сообщества к социально-экологическим проблемам региона Приаралья, призывает к международному сотрудничеству в этом деле, и все это подтверждает социальный, экономический, политический потенциал нашего государства.

В-третьих, эволюция позитивных преобразований в организационно-функциональной структуре институциональной системы субъектов экологической политики Приаралья становится основой оптимистических прагматических прогнозов по оздоровлению экологической ситуации в данном регионе.

В-четвертых, объективная историческая необходимость активного участия мирового сообщества в исполнении международных документов, направленных на преодоление угрозы резкого обострения экологической ситуации и эскалации глобализации в регионе Приаралья предполагает совершенствование методов и средств реализации этих стратегических задач.

В-пятых, Комплексная программа решения экологических проблем Приаралья должна стать составной частью Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, ее успешная реализация зависит от выполнения комплекса мер по социально-экономическому развитию региона.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате исследования мы пришли к следующим выводам:

Во-первых, общность интересов интеграции субъектов национальной экологической политики государств региона Приаралья предполагает модернизацию организационных структур данных субъектов и позитивные сдвиги в них.

Во-вторых, со становлением и интеграцией региональной (микро-уровень), международной (макро-уровень) институциональной системы экологических политических отношений формируется “архитектура” глобальной экологической политики (мега-уровень).

В-третьих, Комплексная программа и международная институциональная система решения экологических проблем региона Приаралья является специальным направлением социально-политической деятельности в данном пространстве; его специфические особенности характеризуются адекватностью существующему экологическому бытию, сознанию и культуре.

В-четвертых, формирование и дальнейшая модернизация национальной институциональной системы экологической политики государств в регионе Приаралья является объективной исторической необходимостью и предполагает постоянное совершенствование методов и средств реализации этих стратегических задач.

В-пятых, Предотвращение глобализации последствий обострения экологической катастрофы в Приаралье все более зависит от координации политики государства Узбекистан и правительства Республики Каракалпакстан,

килишда аждодларимизнинг, муайян ижтимоий маконда анъанавий шаклланган экологик ҳаёт тарзи, ментал хусусиятларини, тажрибаларини умумлаштириш асосида, миллий экологик сиёсат тенденциясини ва келажак истиқболларини аниқлаш; давлат экологик сиёсатининг гуманистик-демократик тамойиллари миллий, ҳудудий ва умуминсоний экологик манфаатлар уйғунлашувига мос келиши; глобал экологик сиёсат стратегик вазифаларини амалга оширишнинг адекват усул-воситалари ва потенциал имкониятлари; халқаро экологик сиёсат субъектлари фаолиятларини мувофиқлаштириш механизмлари; глобал экологик сиёсат институтларнинг функционал ўзгариш динамикаси аниқланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, жаҳон экологик ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, глобал экологик сиёсий муносабатларда мавқеи мустаҳкамланишига давлатнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларда иштироки стратегик йўналишлари белгиланиши ва унинг қонуний-ҳуқуқий нормалари, ҳамкорликнинг институционал тизими шаклланишида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида миллий барқарор экологик тараққиётнинг “Ўзбек модели” асос бўлганлиги ёритилган.

Диссертацияда Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятнинг кескинлашиш сабаблари ҳақидаги қарашлар қиёсий таҳлил қилиниб, унинг объектив ва субъектив асосларига доир диссертантнинг шахсий мулоҳазалари билдирилган, яъни экологик сиёсатнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган биринчи боб ҳулосалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Оролбўйида ижтимоий-экологик муаммолар глобаллашуви ҳудуд давлатлари миллий экологик сиёсати стратегияси ва тактикасининг концептуал назариялари, илмий-методологияси яратилишини, уларнинг мувофиқлашувини, интеграциясини тақозо қилмоқда;

иккинчидан, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг экологиялашуви ҳамда глобаллашуви миллий экологик сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси назарияси индивидуаллигини истисно қилмайди, аксинча, умумийликнинг конкретлашган ҳолати бўлиб, умуминсоният манфаатларига мослигида намоён бўлади;

учинчидан, Оролбўйи ҳудудидаги давлатлар ижтимоий-экологик сиёсатининг гуманистик-демократик тамойилларга ва муроса (консенсус) фалсафасига асосланиши умуминсоний концептуал назариялар универсаллигини таъминлайди ва уларнинг муқобиллигини шартли ҳамда нисбий қилиб қўяди;

тўртинчидан, Ўзбекистоннинг глобал ижтимоий-экологик сиёсий жараёнларга интеграциялашуви унинг дунё давлатлари ўртасидаги мавқеини, сиёсий мақомини мустаҳкамлаш омили бўлиб, барқарор экологик хавфсизлик масаласида халқаро ҳамкорлик кучайтирилишини тақозо қилмоқда;

